



## Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга ўхшашга уринадиган эркакларни ва эркакларга ўхшашга уринадиган аёлларни лаънатладилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларга ўхшашга уринадиган эркакларни ва эркакларга ўхшашга уринадиган аёлларни лаънатладилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар кийимини киядиган эркакни ва эркаклар кийимини киядиган аёлни лаънатладилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакшода аёлларни лаънатладилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакшода аёлларни лаънатладилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакшода аёлларни лаънатладилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

### Шарҳ:

Аллоҳ таоло эркак ва аёлнинг ҳар бирини муайян фитрат-табиат билан яратган, ҳар иккисига ўзларига муносиб келувчи ишларни хослаб



берган ва уларни адо этиш учун керак бўладиган қобилиятлар билан таъминлаган. Ҳамма нарсани Билувчи ва ҳамма нарсадан Хабардор Зот ўрнатиб қўйган бу табиатдан чиқиш ер юзида фасод ва бузуқликлар ёйилишига сабаб бўлади. Ҳозирда кўп жамиятлар айна шу муаммодан шикоят қилишмоқда. Бир жинс вакилининг кийиниш, ташқи кўриниш ва иш-амалда иккинчи жинс вакилига ўхшашга уриниши фитратга зид ва уни бузувчидир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундай қилувчи кимсани лаънатлаганлар.

**Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Эркаклар аёлларга, аёллар эса эркакларга қай йўсинда бўлмасин, ўхшашга ҳаракат қилиши мумкин эмас;
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилувчи кимсага лаънат ўқиганлар;
3. Бундай қилиш гуноҳи кабиралардан.